

Ётиб намоз ўқиш

09:37 / 16.03.2019 2572

Ассалому алайкум! Азиз устозлар, бундан бир ярим йилча аввал холамнинг қизи намоз ўқимас ва рўмол ўрамас эди. Аллоҳ ҳидоят қилиб алҳамдулиллаҳ ҳозир намозхон. Коллежда ўқиб юрганида бир йигит билан гаплашиб юрарди. Кейин ота-оналари улар ёш бўлишса ҳам унаштириб қўйишди. Улар мана 4 йил деганда турмуш қуришди. Бу ўтган йиллар ичида холамнинг қизи Аллоҳга итоатли, мўмина қизга айланди. Гап-сўзлардан қўрқиб Аллоҳ буйруқларига бўйсунмасада ўша йигитга турмушга чиқди. Ҳозир эса куёвнинг ҳатто онаси ва акалари ҳам уни намоз ўқишига қаршилиқ қилишяпти. Байрамларда уни ароқ ичишга мажбурлашяпти. У яширинча намоз ўқиб юрибди. Ба'зан оёғини қиблага қилиб кўрпа остида ишора қилиб ўқишга ҳам мажбур бўлди. Саволим шуки, унга шундай қилиб ўқиса мумкинми? Имкон қадар қазо қилмасликка ҳаракат қиляпти. Кўрпа остида ўқиса рўмол боғлаб ўқимаса бўладими? Илтимос, унга бирор ё'лини кўрсатинглар! Унга Аллоҳ таоло енгил қилсин! Илтимос у учун дуо қилинглр устозлар, Аллоҳ уни намозда бардавом қилсин! Аллоҳ сизлардан сизлардан рози бўлсин! Раҳмат

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Ўшандай қилиб ўқиган [намозининг](#) қазосини қайтадан ўқиб олсин. [Мўмин-мўминалар](#) намозини ташламай ҳар қандай ҳолатда ҳам намоз ўқишларига фаришталарни ҳаваслари келиб, ҳаққларига дуо қилишларини ва [Аллоҳ](#) фаришталарига ундайлар билан фаҳрланишини билганларида эди.

هُنَعُ هَلْلا يَضَرَّ رُهُ يَبَأُ نَعُ

هُلْلا يَلَّصُ يَبَّنْلا لاق : لاق

هُلْلا لوقِي : مَلَسَوِ هَيْلَعُ

، يَب يَدْبَعُ نَطَّ ذَنْعُ اَنَا : يَلَاغَت

يَنْرَكَذُ نِإو ، يَنْرَكَذُ إِهْ عَمُ اَنَاو

، يَسْفَنُ يَفُ هُتْرَكَذُ وَسْفَنُ يَفُ

يَفُ هُتْرَكَذُ اَلَمُ يَفُ يَنْرَكَذُ نِإو

يَلْلا بَرَقَتُ نِإو ، مُمْهُنَمُ رِيخِ اَلَمُ

نِإو ، اَعَارْدُ هَيْلِإُ تَبَرَقَتُ رِبِشِبُ

هَيْلِإُ تَبَرَقَتُ اَعَارْدُ يَلْلا بَرَقَتُ

هُتَيْتَا يَشْمُ يِنَاتَا نِإو ، اَعَابُ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар:
«Аллоҳ таоло айтади: «Мен банданинг Мен ҳақимдаги
гумонидаман.* Мени эсласа, у билан биргаман. Агар у Мени
ўзи эсласа, Мен ҳам уни Ўзим эслайман. Агар у Мени бир
жамоа ичида эсласа, Мен уни улардан яхшироқ жамоа
ичида эслайман. Агар у Менга бир қарич яқинлашса, Мен
унга бир зирोъ яқинлашаман. Агар у Менга бир зироъ
яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у Менга
юриб келса, Мен унга чопиб бораман». («Олтин силсила»
китобидан Саҳиҳул Бухорий). Валлоху аълам!